



ARTICLE INFO

Received: 15th June 2023

Accepted: 24th June 2023

Online: 26th June 2023

KEY WORDS

Шартли ҳукм, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари.

ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Латипов Зафар Хасанович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактабининг тингловчиси

E-mail: zafarlatipov1986@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8081178>

ABSTRACT

XIX аср охирида пайдо бўлган шартли ҳукм қилиш институти кейинги даврда бутун дунёда кенг тарқалди. Аммо унинг атрофидаги баҳс-мунозаралар наинки тўхтамаган, балки уни қўллаш билан боғлиқ у ёки бу муаммоларга нисбатан янгича нуқтаи назарларни юзага келтирмоқда. Таҳлиллар, судлар томонидан шартли ҳукм қилиш 2018 йилдан 2023 йилнинг 1-чорагига келиб, жами судланганларнинг 5,8 фоизидан 2,9 фоизига, яъни тенг ярмига камайганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, қонунни қўллаш амалиётини яна бир бор чуқур таҳлил қилиб, шартли ҳукмни кенгроқ қўллаш имкониятларини излаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддаси биринчи қисмига озодликни чеклаш жазосини ҳам киритиш, бунда мазкур моддани “бунда суд шартли ҳукмни фақатгина яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқланган ҳолда озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларгагина қўллаши мумкин” деган қўшимча жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ саналади.

Бугунги кунда шартли ҳукм қилишни тадқиқ этишнинг назарий ва амалий аҳамияти катта эканлиги шак-шубҳасиз. Чунки, мазкур институт, инсонпарварлик тамойили билан бевосита боғланган бўлиб, шахсга муайян муддат давомида ахлоқан тузалиши, ўзидаги ижобий ҳулқ-атворни намоён эта олиши шартли билан, келгусида жазодан озод қилиш имкониятини тақдим этилиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назаридан ушбу институт жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

XIX аср охирида пайдо бўлган шартли ҳукм қилиш институти кейинги даврда бутун дунёда кенг тарқалди. Аммо унинг атрофидаги баҳс-мунозаралар наинки тўхтамаган, балки уни қўллаш билан боғлиқ у ёки бу муаммоларга нисбатан янгича нуқтаи



назарларни юзага келтирмоқда. Жиноят ҳуқуқи назариясида кўп сонли нуқтаи назарлар мавжудлигига қарамай, шартли ҳукм қилишнинг юридик табиати тўғрисидаги масала ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан “Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради”.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган статистик кўрсаткичларнинг таҳлилига кўра, 2018 йилда жами судланганларнинг 5,8 фоизига, 2019 йилда 5 фоизига, 2020 йилда 3,8 фоизига, 2021 йилда 2,7 фоизига, 2022 йилда 2,5 фоизига шартли ҳукм қўлланилган бўлса, 2023 йилнинг биринчи чорагида эса мазкур кўрсаткич 2,9 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.¹

Таҳлиллар, судлар томонидан шартли ҳукм қилиш 2018 йилдан 2023 йилнинг 1-чорагига келиб, жами судланганларнинг 5,8 фоизидан 2,9 фоизига, яъни тенг ярмига камайганлигини кўрсатмоқда.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш сиёсати олиб борилаётган бир вақтда, жазодан озод қилиш институтини бир тури ҳисобланган шартли ҳукмни қўллаш билан боғлиқ статистик кўрсаткичлар, амалиётда шартли ҳукмни қўллашни кенг жорий этилаётганлиги ҳақидаги хулосани чиқариш имконини бермайди.

Бу эса, қонунни қўллаш амалиётини яна бир бор чуқур таҳлил қилиб, шартли ҳукмни кенгроқ қўллаш имкониятларини излаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Келинг мазкур масалага, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини ўрганган ҳолда ёндашамиз.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида шартли ҳукм қилиш институтининг айнан қайси турдаги жазоларга нисбатан қўлланилиши юзасидан турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Масалан, Грузиянинг жиноят қонунчилигига мувофиқ, тарафлар ўртасида процессуал келишув тузилган тақдирда, суд тайинланган жазони шартли ҳисоблашга ҳақли. Бундай ҳолатда, шартли ҳукм қилиниши мумкин бўлган жазо турлари чегараланмаган. Россия Федерациясининг жиноят қонунчилигида, ахлоқ тузатиш ишлари, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш, интизомий ҳарбий қисмда сақлаш ёки саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилишни тайинлагач, маҳкумнинг хулқини жазони амалда

¹ <https://stat.sud.uz/> 2018-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 1-чораги ҳисоботлари.



ўтамасдан ҳам тузатиш мумкин, деган хулосага келса, у тайинланган жазони шартли деб ҳисоблаш тўғрисида қарор чиқаради.²

Арманистон Республикаси жиноят қонунчилигида, шартли ҳукм **жамоат ишлари** (қонунчилигимиздаги мажбурий жамоат ишлари), ахлоққ тузатиш ишлари, қамоққа олиш, озодликдан маҳрум қилиш ёки интизомий қисмда қамоққа олиш (интизомий ққисмга жўнатиш) тарзидаги жазолар учун қўлланлиши белгиланган.³

Украина⁴, Тожикистон⁵ ва Озарбайжон⁶ Республикалари жиноят қонунчилигида эса, шартли ҳукм **озодликни чеклаш** жазосига ҳам қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Туркменистон⁷ ва Қирғизистон⁸ Республикалари жиноят қонунчилигида, шартли ҳукм қилиш интизомий ҳарбий қисмда сақлаш (интизомий қисмга жўнатиш) ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларига, Беларуссия⁹, Молдова¹⁰ ва Қозоғистон¹¹ Республикалари жиноят қонунчилигига биноан эса, шартли ҳукм **фақатгина озодликдан маҳрум қилиш** жазосига қўлланилиши мумкин.

Ҳўш, миллий қонунчилигимизни, шартли ҳукмни қўллаш доирасини **мажбурий жамоат ишлари ёки озодликни чеклаш жазолари** ҳисобига кенгайтириш истиқболлари қандай?

Келинг мазкур масалани мажбурий жамоат ишлари ёки озодликни чеклаш жазоларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қиламиз.

Маълумки, жиноят қонунчилигига жинойий жазоларни либераллаштириш борасида бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2015 йил 10 августда “Озодликни чеклаш”,
2017 йил
29 мартда эса “Мажбурий жамоат ишлари” тарзидаги янги турдаги жазолар билан тўлдириш орқали, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар рўйхати кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган статистик кўрсаткичларнинг таҳлилига кўра, 2018 йилда жами судланганларнинг 20,2 фоизи, 2019 йилда 25,7 фоизига, 2020 йилда 31,4 фоизи, 2021 йилда 28,8 фоизи, 2022 йилда 24,9 фоизига озодликни чеклаш жазоси тайинланганлигини, 2023 йилнинг биринчи чорагида эса мазкур кўрсаткич 26,7 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.¹²

Мазкур кўрсаткичлар, судлар томонидан озодликни чеклаш жазосини тайинлаш кўрсаткичлари юқори эканлигини кўрсатмоқда. Мазкур жазога нисбатан шартли ҳукм қилиш институтини қўллашнинг истиқболлари қандай эканлигини муҳокама қилсак.

² Уголовный кодекс Российской Федерации <https://www.consultant.ru>

³ Уголовный кодекс Республики Армения <https://base.spininform.ru>

⁴ Уголовный кодекс Украины <https://base.spininform.ru>

⁵ Уголовный кодекс Республики Таджикистан <https://base.spininform.ru>

⁶ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики <https://base.spininform.ru>

⁷ Уголовный кодекс Туркменистана, <https://base.spininform.ru>

⁸ Уголовный кодекс Кыргызской Республики <https://base.spininform.ru>

⁹ Уголовный кодекс Республики Беларусь <https://base.spininform.ru>

¹⁰ Уголовный кодекс Республики Молдова <https://base.spininform.ru>

¹¹ Уголовный кодекс Республики Казахстан <https://base.spininform.ru>

¹² <https://stat.sud.uz/> 2018-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 1-чораги ҳисоботлари.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасига биноан “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига қўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Мазкур жазо тури билан шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ жазодан озод қилиш институти билан солиштирганимизда, қуйидагиларни кузатишимиз мумкин.

Шартли ҳукм қилишда, шахсга нисбатан синов муддати белгиланиб, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга:

- муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш;
- ишга ёки ўқишга кириш;
- яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш;
- вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш;
- муайян жойларда бўлмаслик;
- муайян вақтда яшаш жойида бўлиш;
- алкоголизм, гиёвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Айнан қўлланилиши мумкин бўлган ушбу мажбурият турларининг хусусияти жиҳатидан, шартли ҳукм қилиш озодликни чеклаш жазоси билан ўхшаш бўлиб, бир хил аҳамият касб этиши мумкин.

Биринчи мисол, А. суднинг ҳукми билан сутканинг соат 22:00 дан 07:00 гача бўлган вақт оралиғида яшаш уйидан чиқиши чекланган ҳолда 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

А.нинг зиммасига:

- туман ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирларда қатнашмаслик;
- назорат қилувчи органнинг (ички ишлар органлари Пробация бўлимининг) розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмасликдан иборат қўшимча тақиқлар ўрнатилган.

Шунингдек, А.га нисбатан уч ой муддат ичида яъни, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти ҳам юкланган.

Иккинчи мисол, Б. суднинг ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига шартли ҳукм қилиниб, унга 3 йил муддатга синов муддати белгиланган.

Синов муддати давомида Б.нинг зиммасига:

- туман ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- сутканинг соат 22:00 дан 07:00 гача бўлган вақт оралиғида яшаш уйида бўлиш;
- ҳар ойнинг 15 санасида туман ИИБга келиб, рўйхатдан ўтиб туриш;



- назорат қилувчи органнинг (ички ишлар органлари Пробация бўлимнинг) розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик;

- уч ой муддат ичида яъни, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти юкланган.

Фикримизча, бундай ҳолатда, сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чекланган ҳолда озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларга, шу жумладан суд ҳукми билан судланган А.га нисбатан шартли ҳукм қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Бундай ҳолатда, суд томонидан фақатгина яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқланган шахсларгагина шартли ҳукм қилиш қўллаш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган статистик кўрсаткичларнинг таҳлилига кўра, 2018 йилда жами судланганларнинг 1,2 фоизига, 2019 йилда 1,7 фоизига, 2020 йилда 1,7 фоизига, 2021 йилда 1,2 фоизига, 2022 йилда 1,1 фоизига мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланганлигини, 2023 йилнинг биринчи чорагида эса мазкур кўрсаткич 1,4 фоизни ташкил этган холос.¹³

Мазкур кўрсаткичлар, судлар томонидан мажбурий жамоат ишлари жазосини тайинлаш кўрсаткичлари сезиларли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатда, мазкур жазога нисбатан шартли ҳукм қилиш қўллаш институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддаси биринчи қисмига озодликни чеклаш жазосини ҳам киритиш, бунда мазкур моддани “бунда суд шартли ҳукми фақатгина яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқланган ҳолда озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларгагина қўллаши мумкин” деган қўшимча жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ саналади.

References:

1. <https://stat.sud.uz/> 2018-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 1-чораги ҳисоботлари.
2. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 13.06.2023) <https://www.consultant.ru>
3. Уголовный кодекс Украины <https://base.spinform.ru>
4. Уголовный кодекс Республики Таджикистан <https://base.spinform.ru>
5. Уголовный кодекс Республики Армения <https://base.spinform.ru>
6. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики <https://base.spinform.ru>
7. Уголовный кодекс Туркменистана, <https://base.spinform.ru>
8. Уголовный кодекс Кыргызской Республики <https://base.spinform.ru>
9. Уголовный кодекс Республики Беларусь <https://base.spinform.ru>
10. Уголовный кодекс Республики Молдова <https://base.spinform.ru>
11. Уголовный кодекс Республики Молдова <https://base.spinform.ru>
12. Уголовный кодекс Республики Казахстан <https://base.spinform.ru>

¹³<https://stat.sud.uz/> 2018-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 1-чораги ҳисоботлари.



13. Уголовный кодекс Грузии

[https://matsne.gov.ge/ru/document/view/
16426?publication=247](https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=247)